



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ: ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Максудова Саида Сакиевна,

*Тошкент молия институти мустақил тадқиқотчиси
Тошкент, Ўзбекистон*

ENSURING THE FINANCIAL STABILITY OF COMMERCIAL BANKS: INTERNATIONAL EXPERIENCE, CHALLENGES, AND SOLUTIONS

Maksudova Saida Sakiyevna,

*Independent Researcher at Tashkent Institute of Finance
Tashkent, Uzbekistan*

JEL classification: G21, G24, G33.

Аннотация. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги бутун мамлакат молиявий тизими учун, мамлакат иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Қоида тариқасида хўжалик юритувчи субъектлар, ташкилотлар, давлат ташкилотлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча юридик шахслар молиявий ресурсларини тижорат банкларида сақлашади. Мазкур мақолада тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш бўйича хориж амалиёти тадқиқ этилган, хусусан, дунёдаги энг йирик иқтисодиётга эга бўлган АҚШнинг банк тизими молиявий барқарорлиги таҳлил қилинган ва тегишили хуносалар шакллантирилган.

Abstract. The financial stability of commercial banks is of great importance for the financial system of the whole country, for the country's economy. As a rule, economic entities, organizations, state organizations, all legal entities, regardless of the form of ownership, keep their financial resources in commercial banks. In this article, the foreign practice of ensuring the financial stability of commercial banks is researched, in particular, the financial stability of the US banking system, which has the largest economy in the world, is analyzed and appropriate conclusions are drawn.

Калим сўзлар: банк тизими, банкротлик, венчур капитал, тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги, банк устав капитали, депозит сугуртаси, Банк акциялари, давлат облигациялари ва ипотека қимматли қозозлари, банклар консорциуми, банк ликвидилиги.

Keywords: banking system, bankruptcy, venture capital, financial stability of commercial banks, bank charter capital, deposit insurance, bank shares, government bonds and mortgage securities, bank consortium, bank liquidity.

Кириш. Жаҳонда тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлаш орқали ўзларининг рентабеллик даражасини ошириш, молиявий ҳолатини янада барқарорлигини таъминлаш, банкнинг даромадлилик кўрсаткичларини ва ҳажмини ошириш, халқаро операциялар кўламини кенгайтириш, банк фаолиятига инновацион технологияларни жорий этиш билан боғлиқ каби долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг халқаро банк амалиётига интеграциялашувини тезлаштириш, мижозлар ва ҳамкорлар олдида банк тизимига бўлган ишончни

ошириш, банкларда ликвидлиликни ва тўловга лаёқатлиликни таъминлаш орқали уларга нисбатан ишончини оширишни тақозо этмоқда.

Материал ва метод. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги, уни мустаҳкамлаш борасида хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан қатор илмий изланишлар олиб борилган, амалий натижаларга эришилган ва илмий хуносалар шакллантирилган.

Америка Кўшма Штатларининг Колумбия университети профессори Ф.Мишкун “молиявий барқарорлик – бу молия тизими, хусусан, молия бозорлари ва молиявий институтлар тизимининг бекарор иқтисодий шароитда асосий функцияларини бажара олиш қобилиятидир” дея таъкидлаган [1].

АҚШлик таниқли иқтисодчи олим, проф. Ж.Синкининг фикрига кўра, “соғ фоиз маржаси банк активлари миқдорига тескари пропорционал бўлиб, активлар рентабеллигига бевосита таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолат кредитлар ва депозитлар бозоридаги рақобатнинг юқори даражада эканлиги билан изоҳланади” [2].

Банк соҳасида ўз тадқиқотлари билан машҳур олим О.Лаврушин “тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолашда асосий эътибор гурухлаш ва таркибий таҳлилга қаратилиши лозим, шундагина ҳар бир гуруҳ операциялардан олинган фойданинг даражаси ва барқарорлигига реал баҳо бериш мумкин” эканлигини ҳақида фикр билдириб ўтган [3].

О. Овчинникова ва А.Бецлар банкларининг молиявий барқарорлигига уларнинг функцияларини бажариши орқали эришади, дея хулоса қилишган, яъни “банклар молиявий барқарорлиги деганда, банкларга ташқи таъсирлардан қатъий назар уларнинг асосий ва янги

пайдо бўладиган функцияларини бажаришида” деб таъкидлайди [4].

Г.Фетисовнинг муҳим илмий хуносаларида «...алоҳида олинган банкнинг барқарорлиги билан банк тизимининг барқарорлиги ўртасида қандай диалектик алоқадорлик мавжуд бўлса, банк секторининг барқарорлиги билан бутун иқтисодиётнинг барқарорлиги ўртасида шундай диалектик алоқадорлик мавжуд» эканлиги таъкидланганлигини учратиш мумкин [5].

Маҳаллий олима Ш.Абдуллаева банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва уни сақлаб туришда банк кредит рискларини бошқариш муҳим эканлигини таъкидлайди ва қуйидаги илмий хуносаси билан асослайди, яъни “тижорат банклари фаолиятидаги кредит рискини бошқаришни такомиллаштириш йўли билан кредит портфелининг сифатини ошириш мумкин” [6].

Профессор Ф.Холмаматовнинг таърифига кўра, «Банк тизими барқарорлиги ҳам жорий даврда, ҳам прогнозланаётган истиқболда ўз функцияларининг тезкор ва самарали бажарилишини таъминлайдиган мувозанатли ҳолатга эришиш ва уни сақлаб қолиш қобилиятидир» [7].

Мақолада гурухлаш, қиёсий таққослаш, индукция, дедукция, кузатув, назарий ва амалий таҳлил, синтез ва коэффициент усулларидан фойдаланилди.

Натижалар. Жаҳонда банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларни доимий равища назорат қилиш, молиявий барқарорликка таъсир этувчи салбий омилларни аниқлаш ва уларни олдини олиш, банкларнинг даромадларини ошириш ҳамда харажатларини оптималлаштириш орқали унинг молиявий ҳолатини барқарорлаштириш, банк рискларини ўз



вақтида аниқлаш ва таъсир даражасини камайтириш чоратадбирларини ишлаб чиқиш, банкнинг даромадлилик ва рентабеллик кўрсаткичларини доимий ўсиб боришини таъминлашга қаратилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

АҚШ жаҳондаги банк тизими тараққий этган етакчи мамлакатлардан бири сифатида тан олинган. Бунинг турли сабаблари мавжуд. Улар орасидаги ижтимоий тарихий хусусиятга эга омиллар қуидагилар: Шимолий Америка аҳолиси колонистлар кўчиб келиши натижасида шаклланган.

АҚШ да хусусий тижорат банклар пайдо бўлгунга қадар, ссуда конторалари ва хусусий ассоциациялар ер ва қимматли қоғозларни гаровга қўйиш эвазига ссудалар беришган. Аммо бундай муассасалар молиялаштириш учун ташкил этилган бўлиб аниқ бир лойиҳа муддати амалга ошгунга қадар кредит муддати тугаган.

Федерал Захира Тизими (ФЗТ) – ўзини молиялаштирувчи ташкилот бўлиб унинг бюджети президент ёки Конгресс томонидан кўрсатилмайди ва тасдиқланмайди. ФЗТ шунингдек банк ва молиявий холдингларни бошқаришни амалга оширади миллий ва худудий банк хизматлари бозорини монополлаштиришга қарши курашни амалга оширади.

ФЗТ да муҳим ўринни очиқ бозор операциялари бўйича федерал қўмита эгаллайди. Пул массасини назорат қилишда ҳукумат қимматли қоғозлари билан операциялар энг муҳим восита ҳисобланади. Кўмита таркибига кенгаш бошқарувчаларининг барча етти аъзоси ва


ФЗТ нинг 5 вакили киради. (ФЗТ нинг Ню-Йоркдаги ва бошқа жойлардаги 4 президенти) Бошқарув кенгаши раиси бир вақтнинг ўзида Федерал қўмита раиси ҳисобланади. ФЗТ нинг 5 президенти федерал қўмитетда овоз бериш ҳукуқига эга бўлади. Қолган етти аъзо музокаралар ва муҳокамаларда иштирок этадилар. Улар шунингдек қўмита қарорига таъсир кўрсатадилар.

Федерал маслаҳат кенгаши ҳам 12 аъзодан иборат бўлади (хар ФЗТ дан биттадан вакил). Расмий равишда мазкур орган фақат маслаҳат вазифасини бажаради.

Аммо охирги йилларда АҚШ банк тизимида муаммолар пайдо бўлмоқда, йирик тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги пасайиб кетмоқда. Натижада, уларнинг аксарияти банкротликка юз тутмокда. Куйида 2023 йилда банкрот бўлган тижорат банклари фаолиятини таҳлил қиласиз.

Silicon Valley Bank (SVB)нинг кулаши АҚШда глобал молиявий инқироздан буён энг катта банк банкротлигидир. Банкнинг заифлиги суғурталманмаган депозит маблағларининг юқорилиги ва қимматли қоғозларга инвестиция қилинган маблағлари ҳажмининг катталиги эди.

SVB 2023 йил март ойида муваффақиятсизлиги глобал банк соҳаси бўйлаб тўлқинларни юборди. Унинг кулаши АҚШ банк тарихидаги иккинчи энг йирик муваффақиятсизлигини англатади (1-расм). Унинг ортидан тезда Нью-Йоркда жойлашган, асосан криптовалюта соҳаси билан шуғулланган Signature Bank банкининг банкротлиги юз берди.



1-расм: АҚШнинг ўнта энг катта банк банкротлиги¹

SVB банк 1983 йилда ташкил этилган бўлиб, АҚШдаги венчур капитал томонидан молиялаштириладиган юқори технология компанияларининг қарийб 50 фоизини устав капиталини шакллантиришда иштирок этган. Шунингдек, у Лондонда хўжалик юритувчи субъектга эга бўлиб, Буюк Британия ва континентал Европадаги технология компанияларига хизмат кўрсатган. Ҳажми бўйича бу 2022 йил охирида АҚШнинг 16-ирик банки эди.

Марказий банклар ва бошқарув органлари узоқ вақтдан бери банкларнинг заифлиги ва уларнинг банкни бошқаришга қодирлиги ўрганганд. Қўшма Штатларда стандарт депозит суғуртаси

ҳар бир омонатчи учун 250,000 АҚШ долларигача, (суғурталанган банк учун (Federal Deposit Insurance Corporation, FDIC, 2023)). Буюк Британияяда эквивалент кўрсаткич 85 минг фунт стерлингни ташкил қиласи (Bank of England, 2023).

1-жадвалдан кўриниб турибдики, SVB депозитларининг 93,9 фоизи суғурталанмаган ва у АҚШнинг йирик банклари орасида иккинчи энг юқори кўрсаткич эди. SVB нинг депозитлари 2020 йилдан сезиларли бўлди. Натижада унинг захиралари 2019 йилда 65 миллиард доллардан 2021 йилда 189 миллиард долларгача ўсди.

¹ [FDIC: Bank Failures in Brief](#)

**2022 йил охирида сүгурталанмаган депозитларнинг улуши бўйича
АҚШнинг энг йирик 10 та банки**

Банк	Сүгурталанмаган депозитлар улуши (%)	кредитлар + қимматли қоғозлари / жами депозитлар (%)
Bank of New York Mellon	96.5	31.2
Silicon Valley Bank	93.9	94.4
State Street Bank and Trust Co	91.2	40.1
Signature Bank	89.7	93.3
Northern Trust Co	83.1	54.5
Citibank	77.0	64.6
CIBC Bank USA	73.2	87.1
HSBC Bank USA NA	72.5	47.4
City National Bank	70.4	93.6
First Republic Bank	67.7	110.6

SVB депозитлари ҳажмининг ўсиши унинг акциялари нархларида намоён бўлди. 2020 йил март ойида 150 доллардан 2022 йил январь ойида 730 долларгача кўтарилди. 2022 йилда банк акциялари нархининг давомий пасайиши АҚШ технология компаниялари акция нархларининг пасайиши билан баробар содир бўлди.

Банк акцияларининг энг юкори нархи 2021 йил 12 октябрда 753,12 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2023 йилда акциялар 99,97 фоиз кийматини йўқотган ва 2023 йил 29 сентябрь ҳолатига 9 центни ташкил этмоқда. Ҳаттоқи, молиявий инқироз даври 2007-2008 йилларда ҳам банк акциялари 42-54 АҚШ доллари диапозонида тебраниб турган.

Инқироз пайтида SVB ўзига янги депозитларни қабул қилди ва уларни АҚШ давлат облигациялари ва ипотека қимматли қоғозлари каби узоқ муддатли доимий даромадли қимматли қоғозларга инвестиция қилди. Ўша пайтда ушбу хавфсиз активларнинг фоиз ставкалари жуда паст эди. SVB ўз активларининг ярмини самарали равишда 10 йил

муддатга (hold-to-maturity (HTM)) қимматли қоғозларга инвестиция қилди.

1-жадвалан кўриниб турибиди, банк ўз маблағларининг 94,4 фоизини ушбу HTM қимматли қоғозлари ва кредитларида ушлаб турди. Бу банкнинг иккинчи заифлиги эди.

2021 йил ноябрь оидан бошлаб юкори технология компанияларининг қулаши банкнинг кўплаб корпоратив мижозлари 2022 йилда ўз маблағларини қайтариб олишини англатарди. SVB учун муаммо шунда эдики, технология инқирози якунланиши билан бирга, инфляция даражаси ошиб бораётган эди. Бу эса АҚШ Федерал резерв банки ва дунёнинг бошқа Марказий банклари инфляцияни юмшатиш учун фоиз ставкаларини кўтаришга тўғри келишини англатарди. АҚШ Федерал фондлари курси 2022 йил март ойида 0.25 фоиздан 2023 йил февралига қадар 4.75 фоизга кўтарилди. Фоиз ставкаларининг жуда кескин кўтарилиши SVB ушлаб турган паст фоизли HTM қимматли қоғозларининг қиймати пасайганини англатарди.



АҚШ Фазначилиги, Федерал

Резерв ва FDIC 12 март куни SVB ва Signature банкидаги барча омонатчилар ўз омонатларини тўлиқ қайтариб олишларини эълон қилди.

Шунга қарамай, пул-кредит сиёсати ва молиявий барқарорлик ўртасидаги зиддиятлар, агар бошка банклар SVB билан бир хил тақдирга дуч келса, Марказий банклар фоиз ставкалари кўтарилишига тўсиқ қўйишини билдириши мумкин.

First Republic Bankнинг молиявий ҳолати ёмонлашгандан сўнг JPMorgan Chase Банки унинг барча активлари ва депозитларнинг ўз зиммасига олиш бўйича харид қилиш ва тахминий келишув шартномасини имзолади.

Шартномага асосан First Republic Bankнинг саккиз штатдаги 84 та оғиси JPMorgan Chase филиаллари сифатида фаолият юритади. Банкнинг барча мажбуриятлари ва ҳуқуqlари тўлиқлигича JPMorgan Chasera ўтказилади. Депозитлар FDIC томонидан суғурта килинишда давом эттирилади ва мижозлар депозит суғуртаси қопламаси амалдаги чегараларгача сақлаб қолинади. 2023 йил 13 апрел ҳолатига кўра, First Republic Bankнинг умумий активлари тахминан 229,1 млрд. АҚШ доллари, умумий депозитлар ҳажми эса 103,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

FDIC ҳисоб-китобларига кўра, Омонатларни суғурталаш фондига сарф-харажат қарийб 13 миллиард долларни ташкил этади. Сан-Францискода жойлашган минтақавий First Republic Bank 2023 йилда банкротлик эълон қилган учинчи молия муассасаси ва 2007-2008 йиллардаги молиявий инқироз пайтида Washington Mutual қулаганидан бери муваффақиятсизликка учраган иккинчи йирик банк бўлди.

Silicon Valley Banki (SVB) ва Signature Банкини инқирозга учратган кўплаб бир хил муаммолар қийнаган, ҳатто мамлакатнинг энг йирик банклари консорциумининг бирлашган ҳаракатлари ҳам уларни сақлаб қола олмади. 2023 йил март ойида АҚШ Молия вазири Жанет Йеллен (Janet Yellen) ва JPMorgan бош директори Жейми Димон (Jeumi Dimon) мамлакатнинг энг йирик 11 та банкини First Republic Bankка ликвидлигини ошириш учун жами 30 миллиард доллар ҳар бири камида 1 миллиард доллардан инвестиция киритишга чорлаган режани очиқлади.

1985 йилда ташкил этилган First Republic Bank иқтисослашган қарз берувчи ва мулкни бошқариш бўйича провайдер эди. У Калифорния, Флорида, Массачусетс ва Нью-Йорк филиаллари бўлишига қарамай, Фарбий Соҳилдаги технологик стартапларга хизмат кўрсатган. Банк 1986 йилда IPO чиқарган ва FRCB белгиси остида котировка қилиниб келинган.

First Republic Bankнинг кулашининг асосий сабаблари:

1. Жуда кўп суғурталанмаган депозитларнинг мавжудлиги.

Силикон водийсидаги стартапларни молиялаштиришга асосий эътиборни қаратган, қолаверса, талабалар учун кредит беришга ихтисослашган банк иловалари ҳам ўсишда давом этди. 2023 йил март ойида Fitch ва S&P Global каби йирик икки кредит рейтинг агентлиги суғурталанмаган депозитларнинг жуда юқори улушкига эга бўлганлиги сабабли First Republic Bank рейтингини пасайтирди.

Банкнинг кредитлари ва депозитлари нисбати 111 фоизни ташкил этиб, банк ўзида мавжуд ресурслардан ҳам кўпроқ кредит берганлигини англатар эди. Банк мижозлари олдида ишончни

йўқотиб бориши натижасида мижозлар ўзларининг депозитларини қайтариб олишни бошлашди. Жуда қисқа муддат ичida банкнинг ҳолати банкротлик ҳолатига яқин келди.

Биргина 2023 йилнинг биринчи чорагида мижозлар томонидан 100 миллиард доллардан кўпроқ ёки жами депозитларнинг 41 фоизи ечиб олинганлиги маълум бўлди.

2. Фоиз ставкаси риски

Кўплаб банк амалиётида бўлганлиги каби First Republic Bank ҳам фоиз ставкалари паст бўлганда ўз ресурсларини узоқ муддатли активларга жойлаштирган эди. АҚШдаги молиявий ҳолатнинг салбий томонга ўзгариши узоқ муддатли қимматли қоғозларнинг қиймати сезиларли даражада пасайди. Банк реусурсларга эҳтиёж сезганда мавжуд қимматли қоғозлар портфелини ўта паст нархда сотишга мажбур бўлди. Бу эса ўз навбатида банкни янада молиявий

ҳолатини ёмонлаштириди ва барқарорлигини пасайтиришга хизмат қилди.

Фоиз ставкаларидаги ўсиш пандемиядан кейинги бекарор вазиятни янада ёмонлаштираётганлигини инобатга олиб, Федерал резерв 2023 йил март ойида банкларни қўллаб-қувватлаш бўйича янги дастурни эълон қилди. Банкларга “муддатли молиялаштириш дастури” деб номланган дастур банкларга қониқарли шартлар асосида бир йилгача муддатга молиялаштириш имкониятини берар эди. Аммо, First Republic Bank ушбу дастурга киритилмади, чунки банкда гаров таъминоти билан боғлиқ муаммолар бор эди.

JPMorgan Chase бошчилигига 11 та банк First Republic Bankни молиявий барқарорлигини сақлаб қолиши учун жами 30 миллиард долларлик ёрдам таклиф қилди:

2-жадвал

First Republic Bank молиявий барқарорлигини сақлаб қолиши учун ажратилган маблағлар²

Банк номи	Гаров миқдори
JPMorgan Chase	5 миллиард доллар
Bank of America	5 миллиард доллар
Citigroup	5 миллиард доллар
Wells Fargo	5 миллиард доллар
Goldman Sachs	2,5 млрд доллар
Morgan Stanley	2,5 млрд доллар
Bank of New York Mellon	1 миллиард доллар
PNC Bank	1 миллиард доллар
State Street	1 миллиард доллар
Truist	1 миллиард доллар
U.S. Bancorp	1 миллиард доллар

2023 йил 28 апрелдан бошлаб банкни назорат қилиш тўлиқ FDIC ваколатига ўтказилди, тендер

натижаларига кўра банкни 1 май куни JPMorgan Chasега сотди. Мазкур харид JPMorgan Chase банкининг 3,2 трлн АҚШ

² <https://www.federalreserve.gov/monetarypolicy/beigebook202309.htm>

доллари миқдоридаги активларини янада ортишини таъминлади ва мамлакатда энг йирик банк мақомини янада мустаҳкамлади.

FDIC банк мижозларига барча депозитлар тўлиқ қайтарилишини

\$0.072 ↓99.92% -93.71 5Y

Sep 29, 8:10:00 PM UTC-4 · USD · OTCMKTS · Disclaimer



2-расм. First Republic Bank акциялари нархининг ўзгариши³

Банк акциялари нархи 2021-2022 йилларда ўзининг энг юқори даражасига етган ва 2023 сентябрь ҳолатига акция нархи 99,92 фоизга пасайиб, 0,072 долларни ташкил этмоқда.

AҚШнинг яна бир банки-Signature Bridge Bankning молиявий барқарорлигини йўқотиши таҳлилини кўриб чиқамиз.

Signature Bankning 40 та филиали 2023 йил 20 марта бошлаб New York Community Bancorp's Flagstar Bank номи билан ўз фаолиятини бошлади. Signature Bank АҚШнинг йирик банкларидан бири бўлиб, 2022 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, жами депозитлари 88,6 миллиард АҚШ доллари ва жами активлари 110,4 миллиард АҚШ долларни ташкил қиласган. 2023 йил 10 марта Silicon Valley Bank (SVB)нинг кутилмаганда ва кўп-миллиардли

кафолатлаган бўлсада, банкнинг акциялари кескин тушиб кетди. 2021 йил 5 ноябрь ҳолатига 1 та оддий акция нархи 219,16 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2023 йил 29 сентябрь ҳолатига 7 центни ташкил этган.

банкротлигидан сўнг, федерал регуляторлар қийин аҳволда қолган бошқа банкларга ҳам чора кўриш учун дастурлар ишлаб чиқишиди. Silicon Valley Bank (SVB) банкротликка учраганидан 48 соатдан камроқ вакт ўтгач, мижозларнинг катта қисми ўз омонатларини ечиб олишиди. Натижада, банкнинг умумий молиявий барқарорлиги ва ликвидлилиги кескин пасайиб кетиши сабабли Федерал Депозитларни Суғурталаш Корпорацияси (FDIC) бошқарувига ўтказилди.

SVB ва Signature Bankning банкротлиги 2007-2008 йиллардаги молиявий инқироз пайтида банкротликка учраган Washington Mutual қулаганидан бери энг катта банк банкротликларидан бири бўлди. 2023 йил 12 март куни АҚШ Газначилик департamenti, Федерал резерв тизими ва FDIC банкнинг фаолиятини давом эттиришини айтиб,

³ <https://www.wsj.com/market-data/quotes/FRCB>

күшма баёнот беришиди. Унга кўра, ушбу банклардаги банк ҳисобварақларида йирик миқдорда ўз депозитларини сақлайдиган бир қатор стратегик мижозлар иккала банкнинг омонатчилари, ҳатто 250000 долларлик суғурта лимитидан юқори депозитлари бўлганлар ҳам ўз маблағларини тўлиқ қайтариб олишга кафолат беришиди.

Банкнинг асосий фаолияти хусусий кўчмас мулк, венчур банкинг, хусусий

капитал ва криптовалюта операциялари ҳисобланган. Signature Bankидан бир вақтнинг ўзида кўплаб мижозлар 10 миллиард долларлик депозитларини ёчиб олганидан кейин федерал ҳокимият томонидан банк назоратга олинди. 2023 йил охирида 115 доллар атрофида сотилган банк акциялари нархи кескин пасайишда давом этди ва 2023 йил март ойига келиб, ёпилиши олдидан деярли 50 фоиз қийматини йўқотди.

\$0.024

↓99.98% -114.69 5Y

Sep 29, 8:10:00 PM GMT-4 · USD · OTCMKTS · Disclaimer



3-расм. Signature Bank акциялари нархининг ўзгариши⁴

Банк акциялари нархининг охирги 5 йиллик ҳолатини таҳлил қиласидиган бўлсак, асосий муаммолар 2023 йилнинг март ойидан бошланганлигини кўришимиз мумкин. Банк акцияларининг энг юқори нархи 2022 йил бошида 365,71 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2023 йилда акциялар 99,98 фоиз қийматини йўқотган ва 2023 йил 29 сентябрь ҳолатига 2,4 центни ташкил этмоқда. Ҳаттоқи, молиявий инқироз даври 2007-2008 йилларда ҳам банк акциялари 25-34 АҚШ доллари диапозонида тебраниб турган.

Хуроса. Олиб борилган тадқиқотларга асосланиб, қуйидаги хуросаларни шакллантиридик:

1. ФЗТ да муҳим ўринни очиқ бозор операциялари бўйича федерал қўмита эгаллайди. Пул массасини назорат қилишда ҳукумат қимматли қоғозлари билан операциялар энг муҳим восита ҳисобланади. ФЗБ қуйидаги вазифаларни бажаради: клиринг чеклар нақд пул чиқариш ўз округидаги банкларга диссконт ссудалар бериш банклар ва улар фаолиятини кенгайтириш бўйича таклифларни баҳолаш бизнес вакиллари ва ФЗТ ўртасида воситачилик қилиш банк

⁴ <https://www.wsj.com/market-data/quotes/FRCB>



холдинг компанияларини текшириш ва аъзо банк штати маъмуриятини текшириш монетар сиёсатни амалга ошириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиши.

2. Silicon Valley Bank(SVB)нинг кулаши асосий сабаби суғурталанмаган депозит маблағларининг юқорилиги ва қимматли қофозларга инвестиция қилинган маблағлари ҳажмининг ўта иирик эканлиги.

3. Инқироз пайтида SVB ўзига янги депозитларни қабул қилди ва уларни АҚШ давлат облигациялари ва ипотека қимматли қофозлари каби узоқ муддатли доимий даромадли қимматли қофозларга инвестиция қилди. Ўша пайтда ушбу

хавфсиз активларнинг фоиз ставкалари жуда паст эди. SVB ўз активларининг ярмини самарали равишда 10 йил муддатга (hold-to-maturity (HTM)) қимматли қофозларга инвестиция қилди.

4. First Republic Bank 2023 йилда банкротлик эълон қилган учинчи молия муассасаси ва 2007-2008 йиллардаги молиявий инқироз пайтида Washington Mutual кулаганидан бери муваффакиятсизликка учраган иккинчи иирик банк бўлди. First Republic Bankning кулашининг асосий сабаблари:

1. Жуда кўп суғурталанмаган депозитларнинг мавжудлиги.
2. Фоиз ставкаси риски.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Frederic S. Mishkin (2016) “The Economics of Money, Banking, and Financial Markets”, page 216, 11th edition
2. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг/ Джозеф Синки-мл.; Пер. с англ. –М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. -С. 339-340
3. Лаврушин О.И. Банковское дело. – М.: КноРус, 2008. – С. 251.
4. Овчинникова О.П., Бец А.Ю. (2006). Основные направления обеспечения динамической устойчивости банковской системы // Финансы и кредит. № 22
5. Фетисов Г.Г. Устойчивость банковской системы .-М.: Финансовая академия, 2002. - С. 11
6. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Тошкент, 2000. -46 б.
7. Холмаматов Ф. “Ўзбекистон Республикаси банк тизимиning барқарорлигини ошириш йўллари” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати – Тошкент 2023. Б. 46.
8. [FDIC: Bank Failures in Brief](#)
9. <https://www.federalreserve.gov/monetarypolicy/beigebook202309.htm>
10. <https://www.wsj.com/market-data/quotes/FRCB>